Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-йил чиқиши

№ 238 (4954).

4 декабрь

Сешанба

1973 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Янгилик самараси

ЯНГИЙЎЛ, (ЎзТАГ мухбири). Райондаги «Интернационал» колхозида далалардаги пахта йиғиштириб олингандан кейин бўшаган ер шудгор қилиб қўйилди, бу майдонларга биринчи марта туки туширилган чигит экилган эди. Ана шу янгиликни қўлланиш якунлари чиқарилди.

946 гектар майдонга туки туширилган чигит экилган эди. Шу усул билан экилганда механизаторлар ҳар бир гектар майдонга борн-йўғи 25—30 килограммдан чигит сарфладилар, ваҳоланки, аслида норма бўйича шунга нисбатан уч баравар ортиқ чигит экиларди. Хўжалик янгилик туфайли 100 тонна уруглик тежаб қолди. Чигитни уяларга белгиланган миқдорда экиш деҳқонларни ягана қилишдан қутқарди.

Чигит экишдаги илғор технология хўжаликка 30 минг сўм пулни тежаб колиш имконини берди. Колхоз ҳар гектар майдондан пландагидан 4,3 центнердан ортиқ, яъни гектаридан 31 центнердан ҳосил кўтарди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигида Янгийўлдан олинган бу хабарни шарҳлаб, чигитни уяларга аниқ миқдорда экиш юқори самарали усул эканлигини, анчагина чигитни тежаб қолиш мумкинлигини, деҳқонларни ғўзани ягана қилишдан халос этиш мумкинлигини айтишди. Ҳар бир уяга муайян миқдорда чигит ташлаб кетилади. Мирзачўлда шундай усулда катта майдонларга чигит экилмоқда.

Бу йил республикада 226 минг гектар майдонда чигит уяларга аниқ миқдорда экилди. Келгуси йилда чигитни шундай усулда экишга 360 минг гектар майдон ажратилади.

Густав Гусак Тошкентда

Расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Миллий фронти Марказий Комитетининг раиси Густав Гусак 2 декабрь куни кечқурун Тошкентга келди. ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Индржих Заградник, ЧССР Ташқи ишлар министри Богуслав Хнёупек, ЧССР Ташқи савдо министри Андрей Барчак, ЧССР металлургия ва машинасозлик саноати министри Йозеф Шимон ва бошқа расмий кишилар Густав Гусак билан бирга келдилар.

Тошкент аэропорти Чехословакия Социалистик Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси В. А. Козимов ва бошқалар Густав Гусакни ҳамда Чехословакиядан келган бошқа меҳмонларни кутиб олдилар.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Миллий фронти Марказий Комитетининг раиси Густав Гусак ва унинг ҳамроҳлари 3 декабрь эрталаб Тошкентдан Деҳлига учиб кетдилар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛҒАРИ

Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати корхоналари ва ихтисослаштирилган совхозлари коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планнин 21 ноябрда бажардилар. Ой охиригача топшириқдан ташқари 18,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

7-Кўприксозлик трестининг коллективи беш йилликнинг уч йили топшириқларини муддатидан олдин бажарганлиги тўғрисида рапорт бердилар. Кўприксозлар йил охиригача қолган вақт ичида планга қўшимча суратда бир миллион беш юз олтмиш сўмлик қурилиш-монтаж ишини бажаришга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

Бўстонлиқ районидаги «Жданов номли колхозининг С. Суярқулов бошлиқ ғаллачилик бригадаси аъзолари бу йил планда белгиланган 690 тонна ўрнига 1023 тонна дон етиштириб, мажбуриятларини ошириб бажардилар. Ҳозир бригада аъзолари кузги-қишки ишларни сифатли ўтказмоқдалар. Келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин яратилмоқда. Суратда: бригада далаларида сўнгги майдонларни шудгор қилиш пайти.

И. ПОРТНОВ фотоси.

Меҳнат вахтасида

Тошкент метрополитенида олиб борилаётган иш ҳажми куни сайин кенгайиб бораяпти. Метрополитен қурилишида амалга оширилаётган ишларни сифатли бажарилишида «Ташметропроект» институтнинг ходимлари инженер Н. Лалаянц ва катта техник Г. Жазяевларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти. Сиз ушбу суратда уларни навбатдаги қилиниадиган ишлар устида суҳбатлашиб турган чоғини кўриб турибсиз.

В. Таран фотоси.

ТАБРИКЛАЙМИЗ, МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган сафарини корхонамиз коллективи доимо диққат билан кузатиб борди. Унинг сўзларини коллектив бўлиб телевизорлар орқали кўриб, тингладик. Визит охирида қабул қилинган муҳим ҳужжатларни ўқиб чиқдик.

Декларацияда ҳам, битимда ҳам ягона мақсад — тинчлик учун кураш мақсади алоҳида сезилиб турибди. Ҳиндистон халқлари ҳам, Совет халқлари ҳам тинчлик дея катта мақсад билан яшамоқдалар. Тинчликни қадрини ҳар иккала халқ яхши билади. Тинчлик бўлса турмуш фаровон, Ватан обод, дўстлар саломат бўлаверади.

Халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадида яқинда янгидан давлат наслчилик парранда заводи ишга туширилди. Ҳозир заводимиз коллективи паррандалар маҳсулдорлигини ошириш, эл дастурхонини ноз-неъматларга янада тўкиниқ қилиш учун курашмоқдалар.

Т. ҒАНИЕВ,
Калинин районидаги «Қорасув» давлат наслчилик парранда заводи директори.

МУҲИМ БОСҚИЧ

СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ,СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий дўстлик визити бу алоқаларни янада мустаҳкамлашда катта босқич бўлди.

Визит вақтида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Совет — Ҳиндистон Қўшма декларацияси эълон қилинди. Янги битимлар тузилди. Биз ана шу ҳужжатларни ўқиб, ўрганар эканмиз, Совет ҳукумати тинчлик ишига изчил амал қилаётганлигига яна бир бор гувоҳ бўламиз. Бунда, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳиссаси каттадир.

Совет-Ҳиндистон алоқалари бўидан бўён ҳам мустаҳкамланаверади. Ер юзида тинчлик нин тантана қилаверади.

Г. АСИЛБЕКОВ,
Оржоникидзе районидаги 20-мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

ФОЙДАЛИ ВИЗИТ

Кўп миллионли совет кишилари қатори заводимиз инженер-техник ходимлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитини зўр хурсандчилик билан кузатиб бордилар. Биз шунга аминмизки, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари билан Ҳиндистон бош министри ўртасида олиб борилган музокаралар Осиё қитъасида тинчликни янада мустаҳкамлаш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Заводимиз меҳнат аҳли жонажон партиямизнинг доно ленинча ташқи сиёсатига жавобан меҳнат вахтасида туриб ишлаб, ойлик, квартал планларини ортиги билан бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Қувончдиси, шуки корхонамизда тайёрланаётган қудратли компрессорлар дўст Ҳиндистонга ҳам кўплаб жўнатилмоқда.

Биз тўққизинчи беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариб, пландан ташқари кўплаб компрессорлар ишлаб чиқариш учун барча имкониятларни сафарбар этаверамиз.

М. МУҲИДДИНОВ,
Тошкентдаги компрессор заводининг ишчиси.

ЭРТАНГИ КУН МАШИНАЛАРИ

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий тадқиқот институтнинг олимлари билан пахтачилик учун машиналар ясаш билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюросининг коллективи ғўза парвариши учун олти қаторли машиналар комплексини яратдилар. Унда гербицид моддалар солувчи мосламаси бўлган сеялка, ғўза чиллувчи механизми бўлган культиватор, эни 90 сантиметрдан олинган қатор оралари учун терим машинаси бор. Уларнинг унумдорлиги тўрт қаторли машиналарга нисбатан 40 процент кўп. Бутун шу техника янги кучли МТЗ-80Х трактори билан агрегат қилиб ишлатилади.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги илмий техника кенгаши, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ва Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмасининг Янгийўлда бўлиб ўтган бирлашган мажлисида ушбу комплексни синаш натижалари кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон тадқиқот институтларининг илмий ходимлари, машина конструкторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг вакиллари, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон машина синаш станцияларининг ходимлари қатнашдилар.

Кенгашларнинг бирлашган мажлислари қабул қилган қарорида гербицид моддалар солувчи мосламаси бўлган сеялка ва культиватор тажриба туркумини «Ўзбексельмаш» ва «Чирчиксельмаш» заводларида тайёрлашни, хўжалик синовларини эса барча пахтакор республикаларда ўтказишни тавсия қилди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАҲСУЛОТ

ОЛМАЛИҚ. Олмалиқ гўшт комбинати янги маҳсулот чиқара бошлади. Бу махсус печда қовурилган ва қартага солинмаган ўзига хос колбаса шу корхона чиқараётган маҳсулотнинг 60-тури ҳисобланади. Яқин орада корхона ҳар хил гўштлардан рулетлар тайёрлаб чиқаришга киришади. Комбинат коллективи хом ашёдан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига йил бошидан бери пландан ташқари бир минг тонна колбаса чиқарди.

СССР Министрлар Советида

КПСС XXIV съездининг Директиваларига ва «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик давлат плани тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, инвалид бўлиб колган ишчилар, хизматчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган оила аъзоларининг пенсия таъминотини янада яхшилаш мақсадида СССР Министрлар Совети меҳнат ва уруш инвалидларига, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга бериладиган пенсияларнинг минимал ва максимал миқдорини ошириш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқди. Бу тадбирлар СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан тасдиқланди.

Масалан, I группадаги меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг минимал миқдори ойига 50 сўмдан 70 сўмгача, II группа меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг минимал миқдори ойига 45 сўмгача, I группадаги уруш инвалидларигача, II группадаги уруш инвалидларига ойига 53,5 сўмдан 70 сўмгача, боқувчисидан маҳрум бўлган ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига ва ҳалоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз уч ёки ундан ҳам кўпроқ аъзоси бўлган оилаларига ойига 50 сўмдан 70 сўмгача ва меҳнатга қобилиятсиз икки аъзоси бўлган оилаларга ойига 30 сўмдан 45 сўмгача оширилади. Пенсионерларнинг мазкур категориялари учун пенсияларнинг максимал миқдори ойига 120 сўмгача кўпайтирилади.

1 ва 2 группадаги инвалидларга ўз боқимидаги кишилар учун ва 1 группадаги инвалидларни боқиш учун ҳозирги вақтда пенсияга процент ҳисобида тўланаётган устама ҳақ ўрнига анча юқори қатъий устама ҳақ бериладиган бўлади.

Айни вақтда инвалидлик бўйича ва боқувчисидан маҳрум бўлиб колганлиги учун пенсияларни белгилаш юзасидан амалда бўлган тартиб ўзгартирилади. Бу пенсиялар ҳозирги вақтда қарилик бўйича пенсия белгилаш учун жорий қилинган тартибга мувофиқ белгиланади. Шу билан бирга меҳнат вақтида майиб бўлиб қолган 1 группадаги инвалид ишчи ва хизматчиларга бериладиган пенсиялар, шунингдек 1 ва 2 группадаги уруш инвалидларига бериладиган пенсиялар қарилик бўйича иш ҳақидан ҳисобланадиган пенсиялар миқдоридан кўпроқ миқдорда белгиланади.

Ишчиларни, хизматчиларни, ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилиши натижасида инвалидлик бўйича ва боқувчисидан ажралиб қолганлиги учун бериладиган пенсияларнинг миқдори оширилади. Масалан, меҳнат инвалидлари оладиган пенсияларнинг ўртача миқдори 1 группа бўйича 37 процент ва 2 группа бўйича 47 процент кўпайтирилади, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз уч ёки бундан ҳам кўпроқ аъзолари бўлган оилалари оладиган пенсия 42 процент ва меҳнатга қобилиятсиз икки аъзоси бўлган оилаларнинг пенсияси 55 процент оширилади.

Инвалидларнинг ва боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг пенсияларини ошириш учун 1 миллиард сўм сарф қилинади.

Шу билан бирга СССР Министрлар Совети офицерлар, прапоршчиклар, мичманларнинг ва СССР Қуролли Кучлари сафларида муддатидан ортиқ хизмат қилган ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек СССР Ички ишлар министрлиги органларидаги бошлиқлар ва оддий аскарлар составига мансуб бўлган шахсларнинг инвалидлик бўйича оладиган пенсиялари ва уларнинг боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларига бериладиган пенсиялар миқдорини янада ошириш зарур деб топди.

Ҳарбий хизматчиларнинг боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларига бериладиган пенсияларни 1973 йил 1 декабрдан бошлаб, боқувчисидан маҳрум бўлган бошқа оилаларнинг пенсияларини ва инвалидларнинг пенсияларини 1974 йил 15 декабрдан бошлаб ошириш кўзда тутилади.

КЕНЖАТОЙЛАРИМИЗ СОҒ БЎЛСИН

КПСС XXIV съезди Директивалари асосида қабул қилинган яна бир муҳим социал тадбир Совет Иттифоқида амалга оширила бошланди.

СССР Министрлар Совети ишчи, хизматчи ва колхозчи аёлларга ҳомиладорлик ва туққанлик учун отпуска ҳақини уларнинг меҳнат стажи ва касаба союзига аъзолигидан қатъий назар, 1973 йил 1 декабрдан бошлаб 100 процент миқдорида тўлай бошлашга қарор қилди. СССР Министрлар Совети шунингдек касал болани парвариш қилиш вақти учун бериладиган касаллик варақаси ва ҳақ тўлаш муддатини ҳам узайтиришга қарор қилди. Бу қарор Коммунистик партия белгилаган халқ фаровонлигини ошириш программаси, партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади бўлган программа муваффақиятли амалга оширилаётганлигини исбот этмоқда.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бундан илгариги барча планлари сингари тўқкизинчи беш йиллик план ҳам оналар ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ тадбирлар учун маблағларни анча кўпайтиришни назарда тутади. Белгиланган тадбирлардан бир қанчаси эса амалга оширилди. Минг-минглаб ихтисослаштирилган касалхоналар ва поликлиникалар, болалар боғчалари ва ясли-лар, умумий таълим мактаблари ва мактаб-интернатлар, пионер лагерлари ва болалар санаторийлари қурилди. Шу муассасалар учун ажратилган маблағлар миқдори тобора кўпайтирилмоқда.

Она ва болаларнинг манфаатларини таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган енгилликлар ва қулайликлар рўйхатига нафақа тўлашнинг белгиланган янги тартиби бирон бир ўзгариш киритмайди. Ҳомиладорлик ва туққанлик учун, касал болани парвариш қилиш учун нафақа илгари ҳам бериб турилар эди. Шу мақсадлар учун, шунингдек кўп болали ва ёлғиз оналар учун, болаларни парвариш қилиш ва эмизиш учун нафақа тўлашга ўтган йили давлат бир ярим миллиард сўм сарфлади. СССР Министрлар Советининг юқорида айтиб ўтилган қарори кучга киргандан кейин қулайликлар ва имтиёзларнинг мазмуни ўзгаради. Бу қулайликлар ва имтиёзларнинг таъминланиши қўшимча равишда катта маблағ сарфлашни талаб қилади.

1973 йил 1 декабрдан бошлаб ҳомиладорлик ва туққанлик учун нафақани ишлаётган ҳамма аёллар тўла иш ҳақи миқдорида оладилар. Лекин шу ҳақни тўлаш тартибида битта шарт бор: нафақани эндиликда тўғмасдан олдинги бутун давр учун ҳам, туққандан кейин эса, туққандан кейинги бутун давр учун олдиндан тўлашга қарор қилинди.

Касал болани парвариш қилиш учун касаллик варақаси бериш ва унга ҳақ тўлашга келганда, ҳозир амалдаги қоидани эслатиб ўтиш керак бўлади. Бундай нафақа ҳозирги вақтда касал болани парвариш қилишга мўҳтож бўлган давр учун, аммо уч кундан оширилмаган ҳолда берилмоқда. Янги қоида бўйича етти кундан кўп бўлмаган муддатгача берилади. Ёлғиз оналарга, бева ва эридан ажралган аёлларга агарда улар мактабгача ёшда бўлган касал болаларини парвариш қилишга мўҳтож бўлсалар, касаллик варақаси ўн кунгача муддатга берилиши мумкин.

Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий совети давлат социал страхование бўлими мудирининг ўринбосари Е. С. Симоненконинг маълум қилишича, янги қоида асосида нафақа, белгилаш узоқ шимол районларида ва узоқ шимол районларига тенглаштирилган жойларда, Европа шимолида (Архангельск областида, Карелия АССР ва Коми АССРда), шунингдек Пермь ва Свердловск областларининг шимолий районларида 1973 йил 1 декабрдан бошлаб жорий этилади.

Узоқ Шарқ ва Сибирнинг бошқа районларида, Урал районларида (юқорида айтиб ўтилган Пермь ва Свердловск областлари районларидан ташқари), Қозоғистон ва Ўрта Осиёда нафақа тўлашнинг янги тартиби 1974 йил 1 июлдан, мамлакатнинг қолган районларида 1974 йил 1 декабрдан жорий этилади.

В. БЕЛЯЕВ,
ТАСС обзорчиси.

ИЛҒОР ХЎЖАЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Бўка районида илғор хўжалик ҳақида гап борадиган бўлса, биринчи навбатда «Октябрь 40 йиллиги» колхози тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта.

Хўжалик кейинги уч йилда катта муваффақиятларга эришди. Бу давр ичида планга қўшимча равишда 3409 тонна пахта топширилиб, беш йилликнинг дастлабки тўрт йилига мўлжалланган рақам кўрсаткичларидан анча ошиб кетилди. Ҳосилдорлик ҳар йили 35—36,4 центнерни ташкил этмоқда. Ҳар бир машина билан ўртача 107—110 тоннадан пахта териб олинмоқда ёки ялпи ҳосилнинг 90—93 процента «зангори кема»лар бункеридан бўшатилмоқда.

Механизациядан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли пахта йиғим-теримидек масъулиятли ишда хашарчи жалб этишга эҳтиёж қолмаяпти. Кейинги икки йил ичида ғўза зараркунандаларига қарши кураш ва дефолиация пайтида самолётдан фойдаланилмай, хўжалик механизаторлари бу тадбирларни ўз кучлари билан, «ОВХ—14» агрегатлари ёрдамида бажармоқдалар.

Колхозда бошқа соҳалар ҳам ривожланмоқда. Беш йилликнинг дастлабки уч йилида планлар гўшт етиштириш бўйича 108 процент, сут бўйича 131, пиллачиликда 132, шоли тайёрлашда 139, маккажўхори дони олишда 197 процентга бажарилди. Ҳар бир сигирдан ўртача 3500 килограммдан сут соғиб олинди.

Натижада колхознинг пул даромади ошмоқда, экономикаси мустаҳкамланмоқда. Уч йил даврида сметадаги 3738,9 минг ўрнига 6231,4 минг сўм даромад қилиниб, уларнинг 5426,3 минг сўми пахтачиликдан, қолгани чорвачилик ва пиллачиликдан олинди. Умуман, даромадлар олиш плани 169 процент ado этилди.

Беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида эришилган зафарлар қувончли бўлмоқда. 1000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,7 ўрнига 36,4 центнердан ҳосил олинди ёки планга қўшимча равишда 1080 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Ҳар бир машина билан 107 тоннадан пахта терилди, бу соҳадаги план 135 процентга бажарилди.

Коммунистлардан Эргаш Бозорбоев, Гунаш Жабборов, Худойқул Саидов, Наташа Ковалева, Саидмаҳмуд Иброҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни 37—41 центнерга етказдилар. Колхоздаги барча бригадалар халқ хўжалиги планини ошириб бажарди.

Деҳқончиликнинг бошқа турлари, шунингдек, чорвачилик ва пиллачиликдан ҳам яхши натижаларга эришилди. Колхозда барча тармоқ комплекс ривожланаётганлиги, ишлаб чиқаришда тежамкорликка жиддий эътибор берилаётганлиги, меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилганлиги, кадрларга нисбатан талабчанлик оширилганлиги туфайли, экономика мустаҳкамланиб, қишлоқлар чиройига чирой қўшилмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик давомида колхоз марказида клуб, 90 ўринли болалар боғчаси, меҳмонхона, «Ўзбекистон 10 йиллиги» ва «Қорасув» участкаларида бир қанча маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, хўжаликда чорвачилик бинолари, равон йўллар, ишлаб чиқариш объектлари қуриб битказилди.

Мана шу зафарлар колхоздаги 59 коммунистнинг авангардлик роли, колхоз правленеси ва партия ташкилотининг тўғри раҳбарлиги туфайли қўлга киритилди.

Лекин эришилган марралар билан чекланиб бўладими? Ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партком секретари М. Пўлатов ва сўзга чиққан коммунистлар «чекланиб бўлмайди!» деган фикрни яқдиллик билан билдирдилар ва илғор хўжаликнинг имкониятлари ҳақида қимматли фикрларни олга сурдилар.

— Биз ҳар гектар ердан қирқ центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни бажараолмадик,— деди колхоз бош агрономи Цой Сен Чук.— Бунинг асосий сабаби шуки, колхоздаги айрим бригадаларда иш тўғри ташкил этилмади. Ягона кечикиб ўтказилди, далалар бегона ўтдан вақтида тозаланмади, суғориш режими тўғри бўлмади, техникадан самарали фойдаланилмади. Натижада уларда ҳосилдорлик колхознинг ўртача даражасидан паст бўлди. Э. Ўрозқулов, Г. Хитаев, Х. Аслонов, А. Зоидов бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир. Баҳоланган, улар билан ер-сув шароити, техника билан таъминланиши бир хил бўлган қўшни бригадаларда 38,5—41 центнердан ҳосил олинди. Орқада қолаётган бригадаларга эътибор ва талабчанликни, партиявий таъсирни кучайтирсак, қўшимча юз тонналаб ҳосил оламиз.

Область советининг депутати, донгдор механизатор Сервер Усеннов социалистик мусобақанинг янгидан-янги формаларидан фойдаланиш, ҳар бир агрегатнинг унум билан ишлаши учун маҳоратни ошириш зарурлигига эътиборни жалб этди.

— Биз эришилган натижа билан чекланмаймиз,— деди бригада бошлиғи Э. Бозорбоев.— Бу йил 41 центнердан ҳосил олган бўлсак, келгуси йили 45 центнерга етказамиз. Бунинг учун зарур чоралар кўряпмиз. Барча майдонни ғўзапоядан тозалаб, минерал ва маҳаллий ўғит солиб шудгорлаб қўйдик.

Коммунистлардан М. Абдуллаева оммавий-сиёсий ишларни жонлантириш, Н. Ковалева хотин-қиз кадрларга ғамхўрликни кучайтириш, И. Давришев партия сафини ўстириш зарурлиги ҳақида гапирдилар.

Колхоз коммунистлари республикамизнинг олтин тўйи нишонланадиган 1974 йилда пахта ҳосилдорлигини 7—8 центнерга ошириш, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида сезиларли ўсишга эришиш, бунинг учун ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтиришга қарор қилдилар.

А. АҲМЕДОВ,
Бўка райони. «Пахтакорлар овози» газетасининг редактори.

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Кимёгарлар маданият саройида ташкил этилган кўргазмани ҳамма зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқда. Кўргазма Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган. Утган давр мобайнида республикамиз халқ хўжалиги, маданий ва сиёсий ҳаётида рўй берган ажойиб ўзгаришлар мана шу кўргазма экспонатларида ўз ифодасини топган.

Кўргазманинг «Ўзбекистон — қишлоқ хўжалиги юксак механизациялашган ўлка», «Бухоро — Урал», «Уқиш, ўқиш ва яна ўқиш» каби бўлимлари бор. Бу бўлимларда конкрет мисоллар ёрдамида ривожланиш истиқболлари кўрсатиб берилган.

Кўргазмани келиб кўраётган чирчиқликлар ўз фикр ва мулоҳазаларини махсус дафтарчага ёзиб қолдирмоқдалар. Томошабинлар бу тадбирдан мамнун эканликларини билдирмоқдалар.

И. СЕРГЕЕВ,
Чирчиқ шаҳри.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ЕРГА-ЕР ҚУШИЛДИ

Область ижроия комитети Бўстонлиқ, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Калинин районларининг адир ерлардан фойдаланиш ёрасидаги қарорларини кўриб чиқиб, 1970—1973 йиллар давомида бу районларда анча самарали тадбирларни амалга оширганликларини қайд қилди.

Қишлоқ хўжалик оборотига 16 минг гектар суғориладиган ер-қўшилди. Ҳозирги пайтда колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик оборотида яна 13,5 минг гектар ўзлаштирмаган ер мавжуд. Ўзлаштиришнинг имкони бўлмаган майдонлардан кўп йиллар давомида яйлов сифатида фойдаланиб келинаяпти. 1973 йилдан бошлаб «Ўзгипрозем» институти коллективининг ёрдамида бундай майдонларни чанакам унумдор яйловларга айлантириш имкони туғилди.

Область ижроия комитети Бўстонлиқ, Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Калинин районларининг адир ерлардан фойдаланиш, шунингдек, шудгорлаш имкони бўлмаган жойларни яйловга айлантириш, 820 гектар майдонда эса қуртзорлар ташкил этиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. Область қишлоқ хўжалик бошқармаси, область совхозлар тресті, район ижроия комитетлари ва район қишлоқ хўжалик бошқармаларн зиммасига адир ерлар фойдаланишга топширилганлиги муносабати билан бу районлар ер ҳужжатига ўзгартириш киритиш тавсия қилинди.

БОЛАЛАРГА ҒАМХУРЛИК

Тошкент область ижроия комитети кейинги йиллар ичида соғлиқни сақлаш, халқ маорифи бўлими ва савдо ташкилотлари шаҳар ҳамда область районларида болалар учун тайёрланадиган озиқ-овқатни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш борасида анчагина ишлар қилганликларини қайд қилди.

Олти шаҳар, Оржоникидзе ва Бекобод районларида болалар муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлаш учун ихтисослашган магазинлар ташкил этилди. Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида, Юқори Чирчиқ, Калинин, Бекобод районларининг боғчаларида ҳам болалар овқатини ҳўлаштириш бу борада сезиларли даражада яхшиланди. Бу жойларда суткасига бирйўла 38 минг порция билан таъминлай оладиган сут ошхонаси ишлаб турибди. Калинин, Бўстонлиқ, Чиноз районларида, Чирчиқ шаҳрида болалар сут ошхонаси, ишга тушиш арафасида. Бир ёшгача бўлган болаларни озиқ-овқат билан бепул таъминлаш усули яхши ўзлаштирилиб борилмоқда.

Шунга қарамасдан қишлоқ жойларида болалар-боғчаларни керакли озиқ-овқатлар оплан ўз вақтида таъминлаш талабдаги даражада эмас. Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка районларида айниқса бу масалага етарли эътибор берилмаётир. Шунингдек, Ўрта Чирчиқ районининг мактабгача болалар муассасаларида кўпинча бир хил турдаги овқатлар тайёрланади. Боғчаларда ишлаётган ошпазлар етарли малакага эга бўлмаганликлари учун таомлар сифатсиз, тайёрланади. Кўпгина боғчаларда тез бузиладиган маҳсулотларни сақлаш учун холодильниклар ва бошқа техника ускуналаридан фойдаланилмайди. Область халқ маорифи бўлими, область матлубот жамияти, область савдо бўлими раҳбарлари мактабгача бўлган болалар муассасалари учун етти кунга мўлжалланган аниқ меню тартибини ишлаб чиқмаганлар. Ангрен, Янгийўл, Чиноз шаҳарларида мактаблардаги буфетларни янги маҳсулотлар билан таъминлаш ёмон аҳволда.

Ана шуларни ҳисобга олиб, область ижроия комитети шаҳар ва районлар ижроия комитетлари, область халқ маорифи бўлими, область соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари зиммасига болалар муассасаларини таъминлашда марказлаштирилган усулга ўтиш, сут тайёрлайдиган ошхоналар сонини кўпайтириш вазифаларини юклади. Айниқса, область савдо бўлими бундан буён болалар муассасаларини барча озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ғамхўрлик қилиши керакligи алоҳида таъкидланди. Болалар муассасаларида ишлаётган ошхона ходимлари малакасини ошириш, тайёрланадиган таомлар сифатини яхшилаш юзасидан тадбирлар белгиланди.

УНУМДОРЛИК ОРТАДИ, ТАННАРХ ПАСАЯДИ

Область пахтачилик совхозлари тресті кейинги йиллар ичида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан кўп ишлар қилди. Бунинг натижасида ишчилар турмуши яхшиланди, уларнинг моддий манфаатдорлиги ортди. Иш жараёнига техника воситаларининг жорий қилиниши қўл меҳнатидан иложи борича кам фойдаланишга олиб келмоқда.

Шунинг натижасида 1972 йилда 1970 йилдагига қараганда пахта тайёрлаш 15,3 процент ортди. Гектар бошига ҳосилдорлик эса 2 центнерга кўпайди. Ҳар бир терим машинаси ҳисобига ингиб олинаётган ҳосил миқдори ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, совхозлар чорва маҳсулотлари етиштириш борасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Мавжуд 20 совхознинг 15 тасида меҳнат унумдорлиги тобора ортиб бораётир. Шулардан унтасида меҳнат унумдорлиги пландагидан ҳам ортиб кетди.

Аммо, баъзи совхозларда ички имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Хусусан, «Чиноз», 1-«Пискент», «Бўка» «Партия XXIV съезди», Жамбул номли совхозларда меҳнат унумдорлиги пасайиб кетган. Масалан, 1-«Далварзин» совхозида 1972 йилда 1971 йилдагига нисбатан иш ҳақи 19,8 процент ортганн ҳолда, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бор йўғи 2,5 процентни ташкил этган. Кўплаб совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг айрим турлари таннархи тобора ортиб бормоқда. Масалан, 1972 йилда бир центнер пахта тайёрлаш учун пландаги 34 сўм 98 тийин ўрнига 35 сўм 69 тийин сарфланган. Шунингдек, сабзавот, картошка, узум тайёрлаш таннархи ортиб кетган.

Ҳосилни тўла йиғиб олмаслик, уларга ортиқча маблағ сарфлаш оқибатида совхозлар зарар кўрмоқдалар. Масалан, ўтган йили ғалла сотиш бўйича 704 минг сўм, сабзавот ва мева сотишдан эса 79 минг сўм, парранда чиқиндисидан 168 минг сўм, пиллачиликдан 225 минг сўм зарар кўрилди.

Совхозлар фермаларида ҳамон механизацияга кам эътибор берилмоқда. Айниқса, Тошкент от заводи, 1-«Далварзин», 2-«Пискент» ва «Ленинград» совхозларида чорвачиликни механизациялашга етарли эътибор берилмаган. Баъзи совхозларда ўринсиз равишда техника яроқсиз деб топилмоқда.

Юқоридаги камчиликларни қайд қилган ҳолда область ижроия комитети область совхозлар трестининг раҳбарлари, бош мутахассислари зиммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш вазифасини юклади. Совхозлар раҳбарларининг эътиборн молия, ҳисоб-китоб ишларини яхшилаш, кадрлар савиясини ошираборишга қаратилди. Шунингдек, ҳар бир совхозда механизациядан кенг фойдаланиш, мавжуд техникани тўла ишга солиш, давлат маблағини сарфлашда хушёрлик билан иш юритиш зарурлиги уқтирилди.

Пойтахтимиздаги 2-тикувчилик фабрикасида ўзаро социалистик мусобақа қизғин тус олган. Бу ердаги кўпчилик тикувчилар мусобақада фахрли ўринларни эгаллаш учун барча резервларни ишга солган ҳолда ишлашяпти. Суратда: мусобақа пешқадамларидан бири М. Гофурова.

С. ОСТОНОВ фотоси.

ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Қишлоқларимизнинг бугунги жамолига қараб тўймайсан, киши. Кенг-кенг кўчалар бўйига турна қатор тизилиб кетган турар-жойларда Ильич чироқлари порлармоқда. Қишлоқ аҳолиси табиий газ ва водопровод қувурлари орқали оқиб келган зилол сувлардан фойдаланмоқдалар.

Охунбобоев номли колхозда кейинги йилларда мактаб, болалар боғчаси, поликлиника, кино-театр, модалар ателъеси қурилиб, сабзавотқорларга совға қилинди. Шу кеча-кундузда яна 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Республикамиз юбилейнгача колхоз қишлоғида яна бир қатор ўзгаришлар содир бўлади. Биринчи навбатда қишлоқ марказида республикамизнинг биринчи президенти Иўлдош Охунбобоевга ҳайкал ўрнатилади.

М. АЪЗАМОВА,
Калинин райони.

Бинокорлар ҳал қилувчи йил вахтасида

ЮКСАЛИШ

Республикамиз пойтахти йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Куни кеча байрам тантаналари бўлиб ўтган Парад ҳиёбонига бир назар ташланг: анвойи гуллар қўлф уриб турган бу ҳиёбоннинг чап томонида етти қаватли ҳукумат уйи салобатли кўринади. Муҳташам бинонинг қаршисида шу кунларда оҳордан чиққан йигирма қаватли, маъмурий бино... Осмону фалакка марварид томчилар сочаётган биллурдай фаввора... Олтин қадаҳ мисол В. И. Ленин музейи...

Ягона архитектура ансамблини ташкил этган бу мунаввар кошоналарга, қулф-дилингизни очувчи гулзорларга боқар экансиз, уларни барпо этган қўли гул бинокорлар меҳнатига беихтиёр тасанно ўқийсиз.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари қатори Тошкент бинокорлари ҳам тўқкизинчи беш йиллиннинг ҳал қилувчи, учинчи йилида астойдил меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг 1973 йилда социалистик мусобақани янада кучайтириш тўғрисидаги қароридан руҳланиб, юксак мажбуриятлар олиб ишлаётган Тошкент қурувчилари бу йил ўз зиммаларидаги вазифаларни ортиги билан адо этмоқдалар.

Шаҳардаги йирик қурилиш ташкилоти, қариб 50 минг қурувчини ўз ичига олган «Главташкентстрой» қатор йиллардан бери давлат планларини бажармай келарди. Бу йил эса қолоқликдан юксакликка қараб катта қадам ташлади. Қурувчилар йил бошидан бери ойлик, квартал топшириқларини ортиги билан адо этиб келяптилар. Бош бошқарма бўйича тўққиз ойлик план юз фоиздан ортириб адо этилди. Октябрь ойи топшириқлари ҳам муваффақиятли бажарилди. Бошқарма бинокорлари ўз кучлари билан бажариладиган ишлар ўн ойлик планини 104 процент уддаладилар.

Меҳнат унумдорлигини ошириш — «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари, инженер-техник ходимларининг доимий диққат марказида. КПСС XXIV съездида қурилишда меҳнат унумдорлигини 36—40 процент ошириш вазифаси қўйилган. Партиянинг бу топшириғини бажариш борасида бошқармада талай тадбирлар амалга оширилди. Шу туфайли ой сайин меҳнат унумдорлиги плани ортиги билан бажарилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойида ҳар бир қурувчи ўз меҳнат нормасини қарийб 102 процентдан бажарди. Буни ўтган йилдаги меҳнат унумдорлиги кўрсаткичига таққослайдиган бўлсак, ўсиш 108 процентни ташкил этади. Иш ҳақи фондидан иқтисод қилиб, бажарилган ишлар таннархи бўйича белгиланган топшириқ ҳам бажарилди, пландагидан ортиқроқ иқтисодий фойда олинди.

«Главташкентстрой» саноат корхоналари ҳам маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик планларини, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқларини ортиги билан адо этишди.

Бинокорларнинг бу ютуқлари заминида қандай ибратли ишлар ётади?

Ишнинг муваффақиятини биринчи навбатда кадрлар ҳал қилди. Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари билан кейинги йилларда жиддий шуғулланилди. Кадрларни ўқитиш Бош бошқарманинг ўзидан бошланди. Ҳафтанинг чоршанба куни трестларнинг бошқарувчилари, бошқармалар бошлиқлари, саноат корхоналарининг раҳбарлари учун иқтисодий ўқув машғулотлари олиб борилди. Машғулотларда тажрибали мутахассисларнинг лекция ҳамда суҳбатлари тингланади. Илғор трестларнинг иқтисодчилари, бухгалтерия, шунингдек, план ва иш ҳақи бўлимлари бошлиқларининг тажрибалари оммалаштирилади.

Қурилишларга ёш ишчиларни жалб этиш, уларни ҳунарга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш масалалари яхши йўлга қўйилди. Бош бошқарма ихтиёридаги мавжуд иккита ҳунар-техника билим юртида кадрлар тайёрлаш билан бирга қурувчилар малакасини оширишга ҳам катта эътибор берилди. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида тўққиз мингга яқин киши ўқитилди, 2500 киши қурувчилик касбига ўргатилди, 5290 ишчи ва 650 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилди. Ходимларни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошириш масалалари билан ҳам жиддий шуғулланилди. Масалан, СССР Госстройи ҳузуридаги курсда 17 киши, Ўзбекистон ССР Госплани қошидаги республика курсларида 7 киши, Тошкент политехника институтининг малака ошириш факультетида 124 киши, «Оргтехстрой» трестининг семинарларида 339 киши ўқиб, ўз малакаларини ошириб қайтди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети Тошкент шаҳрида кадрларга иқтисодий билим бериш ҳамда марксизм-ленинизм назариясини ўрганишни янада яхшилаш масалалари юзасидан махсус қарор қабул қилган эди. Бу қарор «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотларида кадрларга иқтисодий билим беришда асосий дастур бўлди. 1972—1973 ўқув йилида 3234 инженер-техник ва хизматчи ходим, 7265 бригадир ва ишчи иқтисодий ўқувга жалб этилди. «Главташкентстрой» бўйича олий маълумотли мутахассислар сони саккизинчи беш йиллиннинг охирига нисбатан уч баравар, ўрта маълумотли мутахассислар сони эса 2,7 баравар кўпайди.

Қурилиш ташкилотларида ҳозир олий маълумотга эга бўлган 1850 ходим ишлаб турибди. Бош бошқарма коллегияси тасдиғидан ўтувчи 375 раҳбар ходимдан 232 киши олий, 123 киши эса ўрта маълумотлидир. Бош бошқарма тасдиғидан ўтадиган кадрларнинг кўпчилиги мавжуд резервлар ҳисобидан кўтарилди.

Раҳбарлик лавозимларига тавсия этилаётган малакали мутахассислар ҳам ишлаб чиқаришни пухта билган ташкилотчилар бўлиб етишишмоқда. Масалан, инженер М. Дўсматов мастерликдан трестнинг бош инженерлик лавозимига, М. Абдуллаев эса мастерликдан қурилиш бошқарувчиси лавозимига, С. Василенко эса мастерликдан транспорт бошқармаси бошлиғи лавозимига кўтарилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бош бошқарма бўйича раҳбар кадрларнинг сифати анчагина яхшиланди. Ҳозирги кунда инженер-техник ва раҳбар ходимларнинг 75 процентдан ортиғи партия аъзосидир. «Главташкентстрой» кадрлар бошқармасида каттагина рўйхат бор. Бу рўйхатда раҳбарлик лавозимига кўтарилиши мумкин бўлган юзга яқин мутахассиснинг номи ёзилгик. Улардан 70 киши олий маълумотлидир.

Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, раҳбар ва инженер-техник ходимлар билан ишлашда уларни танлаш ва тарбиялашда ҳали қатор нуқсонлар мавжуд. Айрим раҳбар ходимларнинг тажрибаси етарли эмаслиги оқибатида уларни баъзан алмаштириб туришга тўғри келмоқда. Объектларда ишловчи ходимлар малакасини ошириш масаласи ҳам кўнгилдагидек ҳал қилинмаган, уларнинг 27 проценти махсус билимга эга эмас. «Жилстрой» трестида бундай кишилар 34 процентни, «Строймеханизация» тресті ҳамда уйсозлик комбинатида 31 процентни, 3-трестда 30 процентни ташкил этади.

Инженер-техник ходимларни танлаш, тарбиялашда ҳам талай камчиликлар бор. Кўпгина жойларда ёш мутахассислар кенгашлари, жамоатчи кадрлар бўлимлари расмиятчилик учунгина тузиб қўйилган.

Умуман, «Главташкентстрой» қурувчилари бу йил юксалиш сари катта одим ташладилар. Тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини ҳамда зиммага олинган мажбуриятларни бажариш давомида барча соҳаларда бурилиш ясалди. Меҳнатни ташкил этиш, қурилиш ташкилотларида иқтисодий ислоҳотни пухта тайёргарлик билан ўтказиш, ҳамма ишда янгиликка суяниш каби талай масалалар ҳам бирин-кетин ҳал этиб борилмоқда.

Ш. ҚОСИМОВ,
инженер.

Пиллачиларга ёрдам

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг пиллачилик моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги қарори асосида республикамиз хўжаликларида катта ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилмоқда. Қурт уруғи тайёрлашни яхшилаш ва пилла етиштиришни кўпайтириш учун зарур асбоб-ускуналарни яратиб берувчи махсус конструкторлик бюроси, экспериментал завод ташкил қилинмоқда.

Пиллачиликни ривожлантиришда кадрлар ҳам алоҳида роль ўйнайдилар. Жойларда пиллакор кадрлар иқтисодий билимини ошириш, улар меҳнатини тўғри ташкил этиш шу кунги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. «Ўқитувчи» нашриёти томонидан яқинда чиқарилган О. Маҳмудовнинг «Пиллачилик экономикаси» китоби бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда хўжалик раҳбарларига қўл келиши мумкин.

Т. ХУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ЦИРКИ ҚУРИЛИШИДА



ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги арафасида шаҳримизда бир қатор кўркам бинолар фойдаланишга топширилади. Уларнинг бири ўзбек давлат цирки бўлади. Цирк қурилиши ҳозир тез суръатлар билан олиб борилмоқда. 11-«Висотстрой» трестининг 75-бошқармаси коллективи қурилишда графикдан ўзиб ишламоқда. Суратда: бошқарманинг илғор қурувчиларидан Ф. Гильфанов, В. Никитин ва Б. Дадаев ўртоқлар ўзлари бунёд этаётган объект қаршисида.

И. Глауберзон фотоси.

ИҚТИСОДЧИЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитети саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз-совхозлар бош экономистлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва хўжалик раҳбарларининг уч кунлик семинарини ўтказди. Семинарда олимлар, партия, совет ва хўжалик раҳбарлари лекциялари билан чиқиб, партиянинг иқтисодий сиёсатини амалга ошириш йўлида қилинаётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Тингловчилар доцент В. Лаховскаянинг «Социалистик иқтисодий интеграция амалда», доцент Н. Юсуповнинг «КПСС XXIV съезди илмий-техника тараққиёти ва фан билан ишлаб чиқариш интеграциясини тўғрисида», область ижроия комитети план комиссияси раисининг ўринбосари О. Фаёзовнинг «Область хўжалик йили якунлари ва ривожланиш истиқболлари» ҳақида ўқиган лекцияларини айниқса қизиқиш билан тингладилар.

Семинар қатнашчилари машғулотлар охирида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ва Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига экскурсия қилдилар. Энди улар семинарда олган билим ва йўл-йўриқлар асосида жойларга бориб, ўз коллективлари ўртасида иқтисодий темада лекция ва суҳбатлар ўтказадилар.

М. УЛМАСОВ.

КАТТА ИМТИХОН

Халқимизнинг гўшт, сут маҳсулотларга бўлган талабини қондириш учун чорвачиликни комплекс ривожлантириш зарурлиги партия ва ҳукуматимизнинг кўплаб қарор ва кўрсатмаларида таъкидланган. Шу жиҳатдан олганда Бордонкўл қишлоқ Советининг чорвачиликни рентабель соҳага айлантириш, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Қишлоқ Совети ўз территорияси сида жойлашган ҳар бир хўжаликда чорвачилик тараққиётининг қандай йўлга қўйилганлигини конкрет ўрганиб чиқди ва бу тармоқни дадил оёққа қўйиш тадбирларини белгилади. Масалан, «Ленинский путь» колхозида қорамолларга мўлжалланган молхона, ветеринария талабларига жавоб бермасди. Шунингдек, олис яйловларда жойлашган чўпонлар учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси паст эди. Қишлоқ Совети бу масала билан конкрет шуғулланди. Хўжаликда янги типдаги молхона қад кўтарди. Чўпонлар турмуш даражасини яхшилаш, чорвадорлар фарзандларининг ўқиши, саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

«Политотдел» колхози кўп йиллардан бери сут тайёрлаш, қўйлардан жун қирқиб олиш ва давлатга гўшт топширишда пешқадамлик қилади. Хўжалик чорвадорларининг моллар зотдорлигини яхшилаш-борасида кўп йиллардан буён самарали ишлар қилиб келаётганликларини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Колхозда қўйчиликнинг ривожланишида қишлоқ Советининг депутати Мун Фир Тюн ташаббуси диққатга сазовор. У ўз соҳасини пухта билган мутахассис сифатида чўпонлар иш унумдорлигини ўрганиб чиқди ва қатор таклифларни чорвадорлар эътиборига ҳавола қилди. Унинг тавсиясига биноан ҳар бир чўпон скальпель ишлатишни, қўйларни турли мавсумларда ҳар хил химиявий дорилар билан дизенфекция қилишни билиб олдилар. Бу эса колхозда ягона мутахассис ҳисобланувчи ветеринар врач ишини анчагина енгиллаштирди. Кўзлатиш кампаниялари вақтида қўйларнинг турли касалликларга дучор бўлиши камайди. Совлиқлардан наслі олиш ортиб борди. Депутат чўпоннинг иш тажрибаси Юқори Чирчиқ районининг бошқа хўжаликларида ҳам оммалаштирилди.

Мана ҳозир Бордонкўл қишлоқ Совети территориясидаги хўжаликларда 4126 бош қорамол, 17 мингга яқин-қўй ва эчкилар, 550 бош йилқи яхши парвариш қилинмоқда. Давлатга 6230 центнер гўшт, 33320 центнер сут, 985 минг дона тухум топширилди. Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут миқдори 3100 килограммдан ошиб кетди. Бундай қувончли кўрсаткичларга эришишда М. Силаева, С. Сирлибоев, Хан Сен Нам, М. Алимова каби депутат чорвадорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Шу кунларда қишлоқ Советининг асосий диққат-эътибори чорва қишловини муваффақиятли ўтказиб олишга қаратилган. Бунинг учун ёз мавсумиданоқ пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, 10 минг тоннадан кўпроқ дағал хашак, 18 минг тонна силос, 3500 тонна сенаж тайёрланди. Бузоқлар ва йирик қорамоллар учун ажратилган молхоналар ремонтдан чиқарилди. Наслі олиш хоналарида иситиш системалари ташкил этилди. Шунингдек, профилактика ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ масаласини қишлоқ совети сессиясининг кун тартибига биринчи масала қилиб киритилди. Бу муҳим вазифани бажариш вақтида чўпонларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш кераклиги таъкидланди. Хўжалик раҳбарлари чорвадорларни биринчи навбатда иссиқ кийим ва рўзғорбоп маҳсулот билан таъминлашлари кераклиги уқдириб ўтилди. Шунингдек, қишлоқ Совети ижроия комитетининг қарори билан қишловни муваффақиятли ўтказган хўжаликлар ҳамда чорвадорлар учун махсус мукофотлар белгилаш кўзда тутилди.

Б. НУРМУҲАМЕДОВ.

Фарида ЭШМУҲАМЕДОВА Калинин районидаги Калинин номли колхознинг илғор соғувчисидир. У ҳозир ўзига бириктирилган 14 бош сигирнинг ҳар биридан 3150 литрдан сут соғиб олиб, мажбуриятини ошириб бажарди. Шу кунларда у ҳар куни 130—140 литрдан сут соғиб олишга эришмоқда. Суратда: Ф. ЭШМУҲАМЕДОВА.

А. АБАЛЯН фотоси.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРДА КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАР

Қишлоқ хўжалигининг бошқа барча соҳаларида бўлганидек, боғдорчиликда ҳам келгуси йил мўл ҳосили кўп жиҳатдан кузги-қишки ишларни ўз муддатида ва сифатли ўтказишга боғлиқдир. Бу йилги кузнинг илиқ келишини ҳисобга олиб, бу ишларни қисқа муддатларда бажариш лозим.

Боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини оширишда агротехниканинг роли каттадир. Ўғитлаш, нам тўплаш мақсадида суғориш, тупроқларни юмшатиш, зараркунандаларга қарши кураш, қуриб қолган дарахтлар ўрнига янгисини ўтказиш каби ишлар шу жумлага киради. Мева дарахтларига шакл бериш, токларни қирқиш ва зараркунандаларга қарши дори пуркаш ишлари шу кунларда тугалланиши зарур.

Шу билан бирга, дарахт катор ораларини ҳайдашдан аввал минерал ва маҳаллий ўғит солинади. Ўғит миқдори мева дарахтларининг ёшига боғлиқдир. Агар хўжаликда гўнг етарли бўлса, ҳар гектар мевага кирган боғ ҳисобига йигирма тоннадан гўнг солиш мақсадга мувофиқ. Айни вақтда гектарига 350 килограммдан суперфосфат ва 60—90 килограммдан хлор калийси солинади. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган ерларда минерал ўғит миқдори 20—30 процент оширилади. Маҳаллий ва минерал ўғитлар куз фаслида солинганда тупроқда нам яхши сақланади ва юқори самара беради.

Шўрхок ерларга ўғитлаш айниқса муҳимдир. Шу кунларда шўр ювиш ишларини тугаллаш билан даҳол фосфор ва калий ўғитларини солиш керак.

Мевага кирмаган боғларда нормада белгиланган ўғитнинг ярмини солиш тавсия қилинади. Мева га кирган токлар кўмилгандан кейин ҳар гектар ҳисобига 500 килограммдан суперфосфат ва 60-90 килограммдан хлор калийси билан ўғитланади. Қатор оралари кенг қилиб экилган токзорларни механизация воситасида ўғитлаш мумкин. Бунда ўғит 25—30 сантиметр чуқурликда солинади. Еш токзорларга ҳам боғлар сингари умумий ўғитлаш нормасининг ярми берилади.

Анжир ва анор ҳам ўғитга талабчан бўлади. Ҳар гектар ерга ўн тоннадан гўнг, 700 килограммгача суперфосфат ва 150 килограммдан хлор калийси билан ўғитлаш юқори самара беради.

Етарли нормада ўғитланмаган боғ ва токзорларда ҳосил кам бўлади. Мева пишиш вақтида кўплаб тўкилади. Шунингдек, меваларнинг ҳажми кичик ва таъми паст бўлиб қолади.

Кузда барча боғ ва токзор қатор ораларини сифатли шудгор қилиниши зарур. Қатор оралари ўртаси 25—30 сантиметр чуқурликда, дарахт ёнлари эса 15—18 сантиметр чуқурликда юмшатилади.

Р. Р. Шредер номли институтда олиб борилган тажрибалар эски боғ ва токзор қатор оралари чуқур, 50—60 сантиметр чуқурликда ҳайдаш ва айни вақтда ўғитлаш яхши самара беришини кўрсатди. Бу тадбир тупроққа намнинг чуқур сингиши ва яхши сақланишини, дарахт илдизлари ўғитдан яхшироқ фойдаланишини таъминлайди. Кузда тупроқнинг чуқур юмшатилиши дарахтнинг биологик активлигини оширади. Бунинг натижасида ҳосил 20—40 процент кўпаяди.

Бу йилги кузнинг хусусияти шундан иборатки, ёғин-сочин кам бўлганлиги туфайли, кўп боғларда ер қотиб кетди. Шунинг учун ҳам нам тўплаш мақсадида суғориш ва шундан кейин шудгорлаш мақсадида суғоришнинг аҳамияти каттадир. Бунда биринчидан зарарли туз бирикмалари ювилиб пастки қатламларга тушиб кетади. Тупроқда қишлайдиган зараркунандалар қирилади. Аниқса шартли суғориладиган боғларда бу катта натижа беради. Нам тўплаш мақсадида суғориш нормаси ҳар гектар ерга 1200—1500 куб метрдир. Бунда тупроқнинг устки 100—150 сантиметр қатлами тўлиқ намланиши керак.

Баъзи мутахассислар мева дарахтларини кузда оҳак билан оқлашни тавсия қиладилар. Бу — тўғри тадбир. Агар икки қисм оҳакка бир қисм тупроқ аралаштириб, бутун дарахт шохларига сепилса, куртакларининг совуқдан яхши сақланиши ва кўкламда қуёш нурларидан зарарланмаслиги таъминланади. Шунингдек, бу тадбир ўрик, бодом каби эрта гуллайдиган дарахтларнинг кечроқ уйғонишига ва бинобарин илк кўклам совуқларидан зарарланмаслигига олиб келади.

Кузги тадбирларнинг муҳимларидан бири дарахт зараркунандалари ва касалликларига қарши курашдир. Бу йил боғларда зараркунандалар анча кўп бўлганлиги кузатилди. Шунинг учун ҳам ҳозир барча мевали дарахт ва токларга мутахассислар кўрсатмаси асосида тегишли препаратларни пуркаш ва бу ишни пухта ўтказиш зарур.

Мевали дарахтларга шакл беришга алоҳида аҳамият бериш керак. Чунки, боғнинг ҳосилдорлиги, мева сифати ва дарахтларнинг узоқ муддат ҳосил бериши унинг ҳар йили тўғри қирқиб турилишига боғлиқ. Мевали дарахтлар ва токларни қирқиш фақат тажрибали боғбонлар томонидан ўтказилиши зарур. Бунда дарахтнинг нави, ёши, қучли ёки кучсиз ўсишига алоҳида эътибор берилади.

Боғ ва токзорларда кузги-қишки ишларнинг ўз вақтида ўтказилиши тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида мамлакатга мева ва узум етказиб бериш юзасидан олинган катта вазифаларни ўз муддатида бажаришга замин тайёрлайди.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий текшириш институтининг директори.

Ю. ЖАВАКЯНЦ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, институт сектор мудири.

В. ПАШЧЕНКО,
ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

Жаҳон жамоатчилигининг, газеталарнинг диққат-эътибори КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларига бағишланган. Деҳлида имзоланган Совет-Ҳиндистон Қўшма ҳужжатларининг катта аҳамиятга эга эканлиги, олий даражадаги Совет-Ҳиндистон музокаларининг самарали ўтганлиги таъкидланади.

ДЕҲЛИ. Л. И. Брежнев визитининг тугалланганлиги Ҳиндистон матбуотида асосий мавзу бўлиб қолди. «Таймс оф Индиа» газетаси Л. И. Брежневнинг парламентда сўзлаган нутқини эълон қилиб, ўз сарлавҳасида «Осиёда коллектив хавфсизлик — замон тақозоси», деб ёзади. Коллектив бўлиб кучайрат сарфлаш йўли билан Осиёда хавфсизликни таъминлаш ғояси қизиқиш жаҳонда тобора кучайиб бормоқда, деб ёзади газета. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш вазифалари Ҳиндистонда тўла маъқулланиб, актив равишда қўллаб-қувватланаётганлигини газета уқтириб ўтди.

«Пэтриот» газетаси Л. И. Брежнев визитининг якунларига бағишланган «Ҳиндистон-Совет дўстлигининг янги истиқболлари» сарлавҳали мақоласида «Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида олий даражада олиб борилган музокаралар дўстлигимизни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш йўлида Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи биргаликда амалга ошираётган тадбирлар муҳим эканлигини исбот этиш учун хизмат қилади», деб таъкидлайди.

«Нэйшнл геральд» газетасининг ёзишича, қўшма декларация ва иқтисодий ҳамда савдосотиқ соҳасидаги ҳамкорлик ҳақидаги битим ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги ижобий мазмун бағишлайди.

Л. И. Брежневнинг визити КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ҳиндистоннинг самимий ва ишончли дўсти эканлигини равшан исбот этди, деб ёзади ҳафталик «Линк» газетаси. «Ҳар иккала мамлакат раҳбарлари ўртасида олиб борилган музокаралар, — деб давом қилади «Линк» газетаси, — Ҳиндистон-Совет муносабатларини ривожлантириш тарихида яна бир муҳим ва унутилмас боскич, Осиёда ва бутун дунёда вазиятнинг бундан буёнги ривожига, ҳеч шубҳасиз чуқур ижобий таъсир кўрсатадиган воқеадир».

Матбуот Совет—Ҳиндистон музокаралари чоғида Пекиннинг яна бир туҳмат кампаниясини бошлаганлигига эътибор бермоқда. «Таймс оф индиа» ва бошқа газеталарнинг уқтириб ўтишича, Хитой пропагандаси СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга доғ туширишга, ҳар иккала мамлакат сиёсати ва мақсадларининг ҳақиқий тинчликсеварлик характерини бузиб кўрсатишга уринганлигини уқтириб ўтмоқдалар. Пекиннинг даъволари, деб ёзади «Таймс оф индиа», шу қадар тутуруқсизки, бирон бир эътибор беришга арзимайди. «Пекин, — деб ёзади газета, — воқеаларнинг боришидан ғоят орқада қолди». «Фри пресс жорнэл» газетаси ва бошқа газеталар маочиларнинг бесўнақай сохтакорликларини масқара қилиб кулмоқдалар.

ВАРШАВА. «Трибуна люду» газетаси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити ғоят самарали бўлди, деб ҳозирнинг ўзидаёқ айтиш мумкин, деб таъкидлайди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Ҳиндистон давлати раҳбарлари билан олиб борган музокаралари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар учунгина катта аҳамиятга эга бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун дунёда ва айниқса Осиёда тинчлик вазиятини вужудга келтиришга жиддий таъсир қилади.

ДАККА. Бангладеш Халқ Республикасининг жамоатчилиги Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визити якунларини табриклямоқда. Бангладеш тинчлик кенгашининг бош секретари Али Асқад мухбирларга бундай деди: «Бу визит Ҳиндистон—Совет муносабатлари учунгина эмас, бутун Осиё учун ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир». Биз бу визитни Осиёда тинчлик, хавфсизлик ўрнатиш йўлидаги муҳим босқич сифатида табриклаймиз, деб илова қилди у.

КАТМАНДУ. Непалдаги «Коммонер» газетаси ўзининг бошмақоласида: «Бутун дунё халқларининг диққат-эътибори Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган визитига қаратилди», — деб ёзади. Газета иккала мамлакатнинг бир-бирига яқинлашуви фақат Осиёдагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчликни мустаҳкамлаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Газета, бу визит, «Антисоветизмни ўз сиёсати учун асос қилиб олган ва Осиёда ўз гегемониясини ўрнатиш учун халқаро миқёсда тангликлар келтириб чиқариш уринаётган кимсаларгагина ёқмаганлигини» уқтириб ўтади. Лекин инсониятнинг тинчлик сари интилиши енгилмасдир, деб таъкидлайди газета. Л. И. Брежневнинг визити ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳиссадир.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси Л. И. Брежневнинг парламентда сўзлаган нутқини шарҳлаб, бу нутқ «тўла-тўкис Осиёда ва бутун дунёда кескинликни тобора камайтиришга ва кескинликнинг камайиш жараёнини Осиёда ва бутун дунёда кенг ёйишга қаратилганлигини» уқтириб ўтади. Л. И. Брежнев, деб давом этади газета, Индира Гандининг ва ҳукуматининг империализмга қарши ва тинчликсевар сиёсатига юксак баҳо берди ҳамда Осиёда ва халқаро миқёсда Ҳиндистонинг обрў-эътибори ўсаётганлигини табриклади. Л. И. Брежнев жаҳонда бўлаётган ўзгаришлардан, кескинликни камайтиришга бўлган интилишдан мамнун эканлигини билдирди. Бу жараён инсониятнинг ядро урушидан халос бўлишига имкон беради.

Франция савдо-саноат палаталарининг органи «Эко» газетаси Л. И. Брежнев Осиёда коллектив хавфсизлик тўғрисидаги масалани чуқур ва ҳар тарафлама муҳокама қилишга чақирди, деб ёзади.

(ТАСС).

ЭФИОПИЯ САНОАТИ РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

АДДЕС-АБЕБА, 3 декабрь. (ТАСС). «Эфиопиан геральд» газетаси эълон қилган статистика маълумотларидан кейинги беш йил ичида Эфиопияда саноат моллари ишлаб чиқариш икки бараварга яқин кўпайганлиги кўриниб турибди.

Шу маълумотларга қараганда, ишлаб чиқарилган ялпи саноат маҳсулотининг қиммати 1967-68 молия йилидаги 422,4 миллион эфиоп долларидан 1972-73 молия йилида 755 миллион эфиоп долларига етган. Шу давр ичида саноатга сарфланган капитал маблағларнинг миқдори бир ярим баравар кўпайган, саноатдаги ўсиш суръатлари эса Эфиопияни ривожлантириш учинчи беш йиллик плани да белгиланган рақамдан икки процент ошиб кетган.

Тўқимачилик саноатида ва озиқ-овқат саноатида, шунингдек нефтни қайта ишлаш саноатида ўсиш айниқса катта бўлган. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Асабда қурилган нефтни қайта ишлаш заводи нефтни қайта ишлаш саноатининг энг катта корхонаси бўлиб турибди.

«Эфиопиан геральд» газетасининг ёзишича қараганда, миллий индустрия ривожлана борган сари ишсизликни тугатиш вазифаси ҳам аста-секин ҳал этилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, деб ёзади газета «ривожланиш тенденциялари айниқса қувончли бўлмоқда».

ЖИПСЛАШИШГА ДАЪВАТ

ПАРИЖ, 3 декабрь. (ТАСС). Коммунистик партия ва социалистик партия билан бирга Франция сўл кучлари иттифоқига аъзо бўлган сўл радикаллар ҳаракатининг бу ерда ўтказилаётган таъсис съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд резолюциясида, жумладан, сўл радикаллар барча демократларнинг сўл кучлар иттифоқи тевараги да жипслашишга даъват қиладилар, дейилади.

Ташқи сиёсат соҳасида съезд кескинликни юмшатиш манфаатларини кўзлаб халқларнинг ҳамкорлик қилиши нераклигини, ҳарбий блокларни тарқатиб юборишни талаб қилди.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА НАМОЙИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 3 декабрь. (ТАСС). Жанубий Кореядаги Пусан миллий университетининг икки минг нафардан кўпроқ студентлари демократик эркинликлар ва сиёсий ислоҳотлар талаб қилиб, студентлар шаҳарчасида намойиш ўтказишди. Намойишчилар шаҳар кўчаларига чиқмоқчи бўлганларида полиция отрядлари уларнинг йўлини тўсиб қўйди. Студентларни тарқатиб юбормоқ учун полиция кўздан ёш оқизадиган газни ишга солди.

Сеулдаги Тонгдук қизлар колледжининг ва Юнгаи университетининг студентлари ҳам намойишлар ўтказишди. Улар матбуот эркинлиги берилишини, разведка бошқармасини тарқатиб юборишни ва илгариги намойишлар вақтида қамоққа олинган студентларнинг бўшатиб юборилишини талаб қилишди.

Юқори синфларнинг ўқувчилари ҳам студентларнинг оммавий чиқишларига қўшилиши мумкин деб ҳавотирга тушиб қолган Сеул маъмурлари мактабларда қишки каникуллар муддатидан олдин бошланади, деб эълон қилдилар.

ФИЛЛАР ҲУЖУМИ

ЛАГОС, 3 декабрь. (ТАСС). Нигериянинг даҳшатли қурғоқчилик офатига учраган шарқишимолий районларидаги деҳқонларнинг далалари яна бир хавф остида қолди. Жазирама иссиқ кўкатларнинг ҳаммасини қовжиратиб юборган Саванадаги ёввойи филларнинг галалари одамларнинг манзилгоҳлари жойлашган районларга бостириб кираётганлиги мана шундай катта хавф туғдирмоқда. Озуқа қидириб изғиб қолган филлар экинларни пайҳон қилмоқда, йўлларда учраган уй жойларни ағдариб ташламоқда.

Маҳаллий маъмурлар хавф остида қолган районларда жуда кўп кузатиш пунктларни ташкил этишга мажбур бўлдилар. Кузатувчилар филларнинг галалари қаёққа бораётганлигини кузатиб турибдилар ва бу галалар яқинлашиб келаётганлиги тўғрисида деҳқонларга хабар қилмоқдалар. «Тартиб бузувчилар»га зарба бермоқ учун маҳаллий аҳолидан махсус отрядлар ташкил этилди.

ҚАТТИҚ СОВУҚ ВА ҚОР БЎРОНЛАРИ

БЕЛГРАД, 3 декабрь. (ТАСС). Декабрь ойи Югославияга одатдан ташқари қаттиқ совуқ ва қор бўронлари олиб келди. Ўтган кун кечаси Сараевода совуқ 25 градусга етди. Босния ва Герцеговинанинг баъзи районларида ёққан қорнинг қалинлиги ярим метрга етай деб қолди.

Франция меҳнаткашлари турмуш даражасини яхшилаш, иш ҳақини ошириш учун курашни кизғин моқдалар. Суратда: Фурми шаҳридаги «Були» фабрикаси тўқимачиларнинг намойиши.

АДН—ТАСС фотоси.

ОВОРАГАРЧИЛИККА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

39-99-36 номерли телефонга қўнғироқ қилсангиз, трубкани кассир қиз кўтаради. Унга ўзингиз учун керак бўлган самолёт билетини ёздириб қўясиз ва адресингизни маълум қиласиз. Орадан бир-икки соат ўтмай самолёт билети уйингизга келтириб берилади. Хизмат ҳақига 50 тийин тўлаб, билетни олиб қоласиз. Илгаригидек касса олдида туриб, вақтингизни йўқотмайсиз, овора бўлиб агентликларга бормайсиз.

Бу қулайликни «Таштрансагентство» идораси ходимлари ўйлаб чиқаришди. Улар бундан олдин янги квартираларга кўчиб ўтаётган ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишарди. Оғирроқ юкларни, уй жиҳозларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб қўйишарди. Ундан кейин шаҳримиз бозорларидан харид қилган сабзавот маҳсулотларингизни уйга элтиб берадиган махсус енгил автомашиналар пайдо бўлди.

Мана энди «Таштрансагентство» идораси ходимлари самолёт билетларини ҳам қўлингизга етказиб беришмоқда. Биргина самолёт билетини эмас, шаҳарлараро қатнаётган автобуслар билетини ҳам телефон орқали буюриб қўйишингиз мумкин. Шунда кўнглингиз тинч бўлиб, билетда белгиланган вақтда аэропортга ва автостанцияга кириб боравересиз.

„ЧЕҲРА“ ТАБАССУМИ

Дўрмон қишлоғининг марказида эндигина иш бошлаган «Чеҳра» универмаги харидорларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Ойна ва бетондангина вужудга келган бу масканнинг зали ёруғ ва кенг. Бу ерда бош кийимлари, трикотаж, тайёр кийимлар, газлама, пойафзал, галантерея ва бошқа бўлимлар мавжуд. Ҳар бир бўлимда сотилиши керак бўлган товар ва маҳсулотлар юксак дид билан жойлаштирилган.

Универмагда хизмат кўрсатаётган савдо ходимларининг деярли ҳаммаси ёшлар. Улар Тошкент, Самарқанд савдо техникумларининг талабаларидир.

— Магазинга фақат ёшларни қабул қилганлигимизнинг боиси бор,— дейди директор ўринбосари Мусабек Мирзабеков.— Биз биргина шу ернинг ўзида савдо хизмати кўрсатибгина қолмасдан, дала меҳнаткашларига, шунингдек фермаларда ва олис яйловларда жойлашган чорвадорларга ҳам хизмат кўрсатишни мақсад қилиб қўйганмиз. Савдонинг бундай формасидан фойдаланишда ўт юрак ёшлар иш беришади.

Қишлоқ марказида бундай катта савдо масканини вужудга келтиришда Оржоникидзе район матлубот жамиятига қарашли «Дўрмон» қишлоқ матлубот жамияти кооператорларининг ҳиссаси катта. Уларнинг аҳолига савдо хизмати кўрсатишда илғор методлардан фойдаланганликлари, ойлик ва квартал планларини мунтазам бажариб келаётганликлари туфайли универсал магазин қуриш имкони яратилди.

Шу кунларда «Чеҳра» универмагида М. Одилова, Р. Мирзабекова, З. Рустамова, Э. Норматова, З. Исломова каби ўндан ортиқ савдо ходими аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг, ҳар бири харидор қалбига нур, чеҳрасига табассум бахш этиш иштиёқи билан банд.

С. ҲАСАНОВ.

Суратда: универмагда савдо.

А. Абалян фотоларн.

ГАЗЕТА СОВРИНИ — МЕХАНИЗАТОРЛАРГА

«Янгийўл» район газетаси пахта йиғим-терими энди қизиб бораётган бир пайтда машиналар билан энг кўп пахта терган турсунойчи қизларга бериш учун иккита соврин таъсис этган эди.

Янгийўл ва Чиноз районларида бу йил ўттиздан ортиқ турсунойчи қизлар «зангори кема» рулини бошқардилар. Мавсум давомида улар ишни мусобақа асосида ташкил этиб, терим суръатини оширишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Яқинда турсунойчи механик-ҳайдовчиларнинг мавсумда терган пахталари жамлаб чиқилди. Газета совринни тўрт қаторли терим агрегатини унумли ишлатиб, 160 тонна «оқ олтин»ни пўлат этаклардан тўккан Фрунзе номли колхоз механик-ҳайдовчиси Хайри Алимбековага ва унинг дугонаси, икки қаторли терим машинасида 85 тонна пахта терган механизатор Фотима Эрмонова-га насиб бўлди.

◆

ТОҒЛАРДА БОҒЛАР

Чорвоқ денгизидан қуйилиб келаётган оби-ҳаёт тоғ бағрларини кўркамлаштириб юборди. Сув етиб келган жойларда янги ерлар ўзлаштирилиб, боғроглар бунёд этилмоқда.

«Бўстонлиқ» совхози ерлари ҳам денгиз сувидан баҳра олиб, йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳал қилувчи йилда совхоз соҳибкорлари 180 гектарлик токзорни парваришлаб мўл узум ҳосили олдилар.

УСТОЗГА ТАШАККУР

—Салом Юсупжон ака.

—Ассалому алайкум, устоз! Ҳамманинг қўли кўксида. Ўрта бўйли, тўладан келган, ёши етмишлардан ошган бу кишига қаттаю кичик салом бериб ўтади, илиқ сўрашади. Юсупжон ака чиндан ҳам эл ҳурматига сазовор йўлни босиб ўтди. Отаси Аҳмаджон ака ўғли Юсупжонни шифокор бўлишини орзу қиларди. Шу орзусини амалга ошириш учун нури дийдасини рус-тузем мактабига ўқишга берди. Юсупжон бу мактабни тугатгандан кейин 1922—1925 йиллар давомида медицина билим юрти қошидаги тиш техниклари бўлимида, сўнгра тиш-врачлик мактабида таҳсил кўрди.

1934 йили ўқишни муваффақиятли тамомлаб, шу билим юртида ўқитувчи бўлиб қолган ёш мутахассис бўлажак тиш докторларига устозлик киладиЗотан билим ва тажрибасини мустаҳкамлаш йўлида тинмай изланди.

1941 йили фашистлар Германияси она-Ватанимизга тўсатдан бостириб кирган бир пайтда Юсупжон ака Ватан ҳимоясига биринчилар қаторида отланди. У Шарқий ва Ғарбий фронтларнинг 25, 9, ва 10-армияларида хизмат қилди. Кўпгина ярадорларнинг дардига малҳам бўлди, уларнинг ҳаётини сақлаб қолди. 1947 йили кўксида «Қизил Юлдуз» ордени ва бир неча медаллар билан медицина хизмати капитани унвонида она шаҳри Тошкентга қайтди севган касби ўқитувчиликни давом эттирди.

—Ўчар қушдек вақтнинг ўтишини қаранг, —дейди Юсупжон ака.—Шу даргоҳга келганимга кирқ йилдан ошибди-я.

Лекин умр беҳуда ўтмади. Минглаб шогирдлар етиштирилди. Улар орасида бир неча олимлар, фан кандидатлари, стомотологлар, соғлиқни сақлаш ходимлари бор. Биргина Охунбобоев номли билим юртининг тиш техниклик бўлимида йигирмадан ортиқ шогирдлари устоз билан ёнма-ён ишламоқда.

Партия ва ҳукуматимиз Юсупжон аканинг халқимиз саломатлигини сақлаш йўлида ва стомотология соҳасида кадрлар тайёрлашдаги хизматларини юксак баҳолаб, «соғлиқни сақлаш аълочиси»ни «Ҳурмат белгиси», «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари ва медаллари билан тақдирлади.

Яқинда ҳурматли устоз, шифокор Юсупжон Аҳмедович Нурмуҳамедовни дам олишга узатиш учун билим юрти клубида тантанали йиғилиш бўлди. Шогирдлари, оила аъзолари, қадрдон ҳамкасблари меҳрибон устозни чин қалбдан табриклаб, унга узоқ умр сиҳат-саломатлик тилашди.

А. ИСАМУХАМЕДОВ,
врач, билим юрти ўқитувчиси.
М. СОЛИХОВ,
врач-стомотолог.

⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙ СПОРТ ⊙

АНВОЙИ ГУЛЛАР — ТОШКЕНТЛИК ГИМНАСТИКАЧИГА

«Токио симбун» газетаси ва Япония гимнастика федерацияси ташаббуси билан Японияда ўтказилган жаҳон гимнастикачиларининг халқаро учрашуви ниҳоясига етди. Учрашувда СССР, ГДР, Венгрия, Чехословакия, Япония ва АҚШнинг энг кучли гимнастикачилари ўзаро куч синашдилар.

Халқаро учрашувда тошкентлик спортчи, олимпиада чемпиони, СССР абсолют чемпиони Эльвира Саади ҳам муваффақиятли иштирок этди. У дастлабки учрашувда иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, кейинги мусобақаларда бор маҳоратини ишга солиб, тўсин устида машқ қилиш ва эркин гимнастика программасини бажаришда биринчи ўринни эгаллади. Япониялик спорт ишқибозлари тақдим этган анвойи гулларга ватандошимиз қучоғи тўлиб кетди.

КУБОК ЭГАСИНИ ТОПДИ

СССР кубоги учун Тошкентда ўтказилган жамлакат самбочилари мусобақаси тўрт кун давом этгандан сўнг кубок эгасини топди. У мусобақаларда муваффақиятли қатнашган РСФСР командасига насиб бўлди. РСФСР самбочилари саралаш, ва ярим финал матчларида мағлубиятсиз мусобақалашиб, финалда Москва командаси устидан ғалаба қозондилар. Учинчи ўрин учун эса Грузия ва Ленинград самбочилари беллашдилар. Учрашувда ленинградликлар ғалаба қозондилар.

Ўзбекистон самбочилари бу йил еттинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚУЛИ БАЛАНД

Ўзбекистон чемпиони Азиддин Хўжаев хотирасига бағишлаб Тошкентда ўтказилаётган шахмат мусобақасининг тўққиз тури ўйналди. Тўққизинчи турда тошкентлик ёш чемпион Д. Қаюмов билан РСФСР чемпиони В. Цешковский бахси кўпчиликни қизиқтириб қолди. Бу учрашувда тошкентлик шахматчи муваффақиятга эришди.

Ҳозирги кунда тўққиз ўйинда олти очко тўплаган тошкентлик мастер Леонид Маслов биринчи ўринда келмоқда.

ЧАКМОҚ АРИЗАЕВ

Нғвогар ҳам чиён ҳам ниманидир чақиб турши керак. Чақмаса ўзини-ўзи ейди. Нғвогар ҳам чақади, тоза одамларни чақади.

Туя қоқилса, атрофга одам йиғилади. Эчки қоқилса, туриб кетаверади. Ҳеч ким танимайдиган одамни қулоғидан илон кириб оғзидан чиқиб кетибди, десангиз ҳам биров парво қилмайди.

Хуснулло Аризаев аввалларида луччак шафтолига ўхшаш юм-юмалоқ, ғуппа семиз одам эди. Кейинги кунларда макарондек бўлиб қолди. Юраги сиқилади, янги секцияга кўчиб келди-ю, шу касалга йўлиқди. Кимни нғво қилишини билмайди.

— Дод, секциянинг дастидан дод.

— Нега ёмон қурилганми?

— Яхши, гиштин, кенг.

— Сув чиқмайдими?

— Сероб.

— Иситмайдими?

— Қишда ҳам деразани очиб қўямиз.

— Қўшниларинг тўпалон қиладими?

— Кошки, эди, оёғининг учида юради.

— Ҳовлиси йўқ, у-бу эколмайман демоқчимисиз?

— Умримда кетмон у ёқда турсин, теша ушлаган эмасман.

— Нима дейсиз бўлмаса?

— Гаплашадиган одам йўқ.

— Нғғ-е.

— Ҳа-да. Бир пенсионер чол бор. «Қани қўшни оламдаги гаплардан гаплашайлик десам», «оламдаги ҳамма гап газетага ёзилади, радиода айтилади, телевизорда кўрсатилади» дейди. Худди поездга ўхшаб жадвал билан юради. Поезд ҳам кечикиб туради. У эса бир минутини бекор кетгазмайди. Ҳа эски маҳаллама, эски маҳаллам. Бошидан сув ўтгириб ичсам бўларкан. Гангур-гунгур... Хар куни бир қоп гап топиларди.

ҲАЖВИЯ

Етмаганини рафиқамиз чеккасига райҳон қўндириб, оҳиста-оҳиста юриб, ҳар эшикка кириб топиб келарди. Кимнинг қозонида нима қайнаяпти, кимнинг эри командировкага кетган, ким қиз узатмоқчи, ким ўғил уйлантирмоқчи ва ҳоказо. Кейин эр-хотин бичиб тўқиридик. «Ҳай анови янги келиндан эрининг кўнгли совиганмиш, тез-тез командировкага кетади, бошқа шаҳарда ҳам хотини бор экан. Афтидан келин ҳам ажралишмоқчи. Ҳар куни кеч келади, уйини сотишмоқчи олмайсизми? Қўйинг, эр-хотинга буюрмаган уй сизга буюрармиди? Беҳосият уй...».

Қани энди ёзиб оладиган одам бўлса: тайёр роман, кино, театр. Маҳаллада ким тўй қилса, кичкина ўғлимнинг қўлига кафтдаккина блокнот билан калам бериб, югуртирардим. Вазифаси: тўйхонага келган машиналарнинг номерини, нотиқларнинг исм-фамилиясини, ошжойини билиб олиш. Буёғини ўзимизга қўйиб берасиз. У эрталаб ишга келгунича бошлиқнинг столида қирқ хил ижо қўйилган хат тайёр, «Фалончиев кечаги тўйда туя сув ичгандек ичиб, фалон номерлик машинанинг багажида тўйдан қолган овқатларни олиб кетди. Бир хотинни одамларнинг олдида шундай ўпди, шундай ўпди. Номусларга ўлиб бўлдик. Эсиз амалу, эсиз шляпа, эсиз стол». Ана жанжал-у, мана жанжал. Не-не тўйларни қолдиргандмиз. Никоҳдан ўтган бўлса ҳам эр-хотин қуданикига бориб онт ичиб ё куёвни, ё келинни шундай астар-аврасини агдарамизки, қўяверинг. Тўй бузилади. Ана томоша-ю, мана томоша.

— Шундай ишни қилиб келганмиз, бундан кейин ҳам қиламиз. Аввал уйма-уй юриб сут-қатиқ сотардим. — Хуснулло кутилмаганда қичқириб юборди. — Ёшлигимда мени сутимни ичганлардан кўпи катта одам бўлиб кетган. Исм-фамилияларини айтайми?

—Кейин, керосин сотдим. Кейин даллоллик, қассоблик қилдим. Шу денг, райсобезга борсам, умуман ҳеч қаерда ишламайсиз деб диққат қилди-да. Кўп эмас, жилла қуриса қариндош-уруғ, қўни-қўшнини йиғиб юбилей қилиб бермайсанми, ноғмард.

— Бола-чақалар борми?

— Бор. Ўғлим Тойлоқвой автобус бекатида шалпангқулоқ пирожкалар сотади. Ўғилдан ҳам қиз зўр. Шаҳодатхон бир йигитни яхши кўриб қолган экан, олти боласининг устига тегиб, хотинини ҳайдаб юборди. Учинчи эрга тегиши... Учинчиси рост бўлсин.

Ҳай майли. Оламда шунақа. Гап кўп... Энди мен сизга айтсам анави кўрган одамингиз бор-ку. Эҳтиёт бўлинг. Мазаси йўқроқ одам...

Аризаев деб сарлавҳа қўйдим-у, ўйлавиб қолдим.

Зариф МУҲАММАДЖОНОВ.

АСАБ ТОРИН УЗДИЛАР...

Шанба куни эди. Маҳалладаги дўстлар билан чақчақлашиб ўтирардик. Сув бўйидаги тол тагига «Москвич» келиб тўхтади. Ундан эски танишимиз билан бирга бегона бир киши тушиб қуюқ сўрашишди. Чой узатдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Эски танишимиз гап бошлади.

— У киши қўшним бўладилар. Бошларига ташвиш тушиб қолди...

Биз ундан кўнгил сўрамоқчи бўлиб, оғизни гапга жуфтлаган эдик, «йўқ, ундай эмас, қуда бўлмишимиз номардлик қилиб кетди...» деди.

Янги танишимиз ташвиш дафтарини варақлай бошлади.

...Шу йилнинг ёз ойларида Октябрь район Султон-Жўра кўчаси 28-уй эшигини совчилар тақиллатади.

— «Қўлчиликка» келдик, — дейди аёллардан бири.

— Қадамларингизга хасанот, хуш келибсизлар,—дейди қизнинг онаси. — Қизлик ҳовли—гуллик ҳовли. Юлдузлари тўғри келиб қолса...

— Оғзингизга новвот, — қувончдан, ширинсуханликдан диллари яйраб, — дейди совчилар. — Ўғили баркамолимиз одобли, ўқимишли, меҳнаткаш. Куёвдан барака тондик, деяверинглар.

— Ҳай, ҳай исириқ солиб юборинглар, ёмон кўздан асрасин...—дейишди қиз томонликлар.

Улар бу гапни чин юракдан айтишдими, мақтанчоқларга киноя қилишдими, билиб бўлмайди, хуллас, ҳамма жилмайиб бир-бирларига қараб бош ирғашиб қўйди.

— Бу гал майли кўрамиз, маслаҳатлашамиз, — деб узилкесил бир гап айтилмади. Йигит томондан иккинчи, учинчи, тўртинчи марта келишишди. Қиз ва йигит учраштирилди. Бир-бирларига иссиқ кўринишди, шекилли, ота-оналари олдида бош эгиб туриб, одоб билан «майли» деган розиликни билдиришди.

Хуллас, ЗАГСга бориш куни, ресторанда ўтириш соати аниқ бўлди. Бу маросимлар ҳам ўйин кулги, хурсандчилик билан ўтказилди. Бармоқларга қўшақариш рамзи никоҳ узуклари тақилди...

Воқеанинг бундан буёғи тинч оқаётган зилол сув лойқатилгандек хунук бўлди, қолди. Ўт ёқишга тайёрлаб қўйилган тўй ўчоқларига тупроқ тортилди, тўйга чорловчи таклифномалар йиртиб парчаланди, «келин», «куёв» либослари қозиқдан олиб ирғитилди. Ҳар икки оилада-ги кишиларнинг асаб томирлари таранглади. Совчилар то-

ОИЛА ВА ТУРМУШ МАВЗУИДА

монидан одобли, ўқимишли, меҳнаткаш деб кўкларга кўтариб мақталган, қўй оғзидан чўп олмаган, деб улуғланган «куёв тўра» ЗАГСга бориб келишгандан беш кун кейин қизнинг хизмат жойи — Тошкент шаҳар 1-сонли касалхонага келиб қизни чақиртиради. Унинг кўзлари қизарган, ранги бўртиб кетган, курниши аллақандай ёқимсиз эди. Қиз касалхона ҳовлисига тушади. Ийманиб салом беради. Бунга жавобан у ўшқириш оҳангидаги ҳақоратни эшитади. Бу ҳам етмаганидек, бундан беш-олти кун «муҳаббатимиз абадий бўлсин» деб йигит томонидан қиз қўлига тақиб қўйилган узук зарда ва зарб билан яна ўша қўллар томонидан тортиб олинади. Йигит кетаётиб қизга:

— Мендан умидингни узавер, сенга уйланмайман, кўнгил берган қизим бор, — дейди.

Шу пайтда қизнинг ҳолатини тасаввур қилиб кўринг-а, қай аҳволга тушганикан? ЗАГСда, ундан олдин, ресторанда, машинада келаётганда нималар деган эди ўша йигит? Шунчалик кўнгил берган қизи бор экан, у билан тил бириктириб қўйган экан, нега ўз муштипар онаси, меҳнаткаш отаси, баобрў қариндош-уруғларининг юзини ерга қаратди, бўйниларини ҳам қилишга мажбур этди. Ахир, қизнинг ота-онаси ҳам тўй либосларини тайёрлаб, узоқ-яқинни уч-тўрт кун юриб тўйга айтиб келган эди-ю, буёғи нима бўлди? Энди улар қайси юз билан «тўйимиз қолдирилди» дейишади?!

Қўлимизда қизнинг юраккабғри оташ бўлиб ёнган ҳолда ёзган хати турибди: «Ҳой қизлар, эҳтиёт бўлинглар, йигитлар орасида шунақалари ҳам бўлади. Улар тўғрисида талёлама совчилар одобли, меҳнаткаш, ўқимишли, мард десалар асло ишонманглар. Номи Алишер бўлгани билан, исмига лойиқ бўлмаган шерларнинг боплаб адабини бериб қўйиш керак».

Қиз ўз ҳатида яна ёзишича, қочоқ куёв касалхона ҳовлисида беш-олти одам қараб турган вақтда уни ҳақорат қилган, қўлини қайтариб, бармоғини шилиб, узукни ситиб олган. Бу безориликнинг ҳудди узи эмасми?!.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Янгиооод кўча, «Меҳнаткаш» деб аталувчи боши берк кўчада турувчи Алишер Орипов исмли йигитнинг «уйланиши» тўғрисидаги саргузашт ана шундан иборат. Энди буёғини эшитинг.

Фрунзе район ЗАГС бюросидаги (қиз ҳам, йигит ҳам Октябрь районлик бўлишига қарамай шу жойдан ЗАГСда утишган?!) никоҳни қайд қилиш ҳужжатларида фақат яхши сўзлар, розилик аломатлари кўрсатилган. Севмасанг, юрган қизинг бўлса, шу ерда мардларча айтмайсанми? Бировни умидвор қилиш сенга нега зарур бўлиб қолди? Еки ўзингни бозорга солиб, ўша қиз олдида нархингни оширмоқчи бўлдингми?

Шу ножўя ҳаракатга қадам қўйганингда меҳрибон отаонанг, ҳурматли тоғаларингни бунчалик мулзам бўлишларини, одамлар ўртасида уларни бебурд бўлиб қолишларини ўйламаган эдингми? Энди хизмат қилаётган коллективинг орасида қанақа юрасан? Дўстларинг нима дейишади? Ресторанда чин муҳаббат, вафо, оилага меҳрибонлик тўғрисида қадаҳ кўтарилганда қулоғингга пахта тиқиб ўтирибмидинг? Қилғилиқни қилиб қўйиб, қаёққа қўён бўлдинг?

Ҳа, Алишер Орипов ўша кундан бери уйида ҳам, иш жойида ҳам йўқ. У икки оиладаги кишиларнинг асаб торларини узиб қўйиб, ўзи ташқаридан томоша қилиб юрибди.

С. МАҲКАМОВ.

— Олиб сотганингиз учун жазога тортиласиз
— Қўрқитманг, ошна-оғайнилар омон бўлса...

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — **Умр** (адабий театр). 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот». 20.30 — «ОЛТИН ВОДИЙ», 22.00 — «Вақт». 22.30 — **Ужарлар** (спектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. 12.00 — **Александр Невский** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Шеърият. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.10 — «Голубой огонёк» саҳнафаларида. 20.50 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (бадиий фильмнинг 3-серияси). 22.00 «Ешлик» студияси кўрсатади (Тошкент). 22.30 — Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари, 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 21.30 — **Дилбарим** (бадиий фильм)

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 4/XII да **Севилья сартароши**, 5/XII да **Золушка**, (кундуз), **Рус кишилари** (кечқурун), 7/XIIда **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/XII да **Абу Райҳон Беруний**, 5/XII да **Олтин девор**, (кундузи), **Табассум ўғрилари** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XII да **Ужарлар**, 6/XII да **Қонли тўй**, 7/XII да **Паранжи сирлари.**

КИНО

Қаллоб Цеплис — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Алиби учун ярим миллиард — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (12.00, 14.00, 19.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН, 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Жавоҳир малинасига ҳужум — «ЎЗБЕКИСТОН», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Қум карьери генералларн — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Эҳтиром ташрифи — «МОСКВА» (16.00, 20.30).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — Ғ. ГУЛОМ номли (кундуз ва кечқурун).

Привалов миллионлари — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Дача — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Бомбайлик куёв — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Мушук излари — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА

5, 6 ДЕКАБРДА

«ҲОСИЛ БАЙРАМИ»ГА БАҒИШЛАНГАН

ХАЛҚ САЙЛЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

ИППОДРОМ АТРОФИДА **ШАҲАР ЯРМАРКАСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ**

МАГАЗИН ВА ПАВИЛЬОНЛАРДАН САНОАТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ, ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИВ ОЛИШ МУМКИН.

Ипподромга қуйидаги маршрутлардаги махсус автобуслар-да борилади:

6-«Экспресс» — «Тўқимачилик комбинати» — «Ипподром»;

11-«Оқтепа майдони» — «Ипподром»;

«Экспресс» — «Революция ҳиёбони» — «Ипподром»;

14, 24-автобуслариинг иш куни узайтирилади.

Ипподромда енгил машиналар учун махсус тўхташ жойи ташкил қилинган.

ҲАММА ХАЛҚ САЙЛИГА!

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142, Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634. В. 1876. Р—03881.